


The book cover features a vibrant green background with a soft, glowing effect. In the upper left corner, a yellow and green butterfly is depicted in flight. The central focus is a cluster of flowers, including large pink blossoms with prominent stamens and smaller white flowers with yellow centers. The overall aesthetic is bright and natural. The author's name is written in a white, outlined font at the top, and the title is in a large, dark blue, cursive font in the center.

Умида Абдуазимова

*Субҳидам  
еллари*

*Умида АБДУАЗИМОВА*

# СУБҲИДАМ ЕЛЛАРИ



Ғафур Ғулом номидаги  
нашриёт-матбаа ижодий уйи  
Тошкент-2017

UO‘K: 821.512.133-1

КВК: 87 (6А)

A16            У.Абдуазимова  
" СУБҲИДАМ ЕЛЛАРИ"  
/шеърлар/ Ғафур Ғулом номидаги  
нашриёт-матбаа ижодий уйи  
Тошкент-2017 - 176 бет.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият  
ходими, “Шухрат” медали сохибаси, “Халқ  
таълими аълочиси” Умида Абдуазимованинг бу  
тўплами шоиранинг турли даврларда ёзган бир  
хил ҳажмли шеърларидан тузилди.

ISBN 978-9943-03-786-1

© У.Абдуазимова  
©Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа  
ижодий уйи Тошкент-2017

## ЭЪЗОЗ

*Ҳар қулфга калит бор,  
Ҳар муаммога ечим.  
“Ассалом” да дил изҳор,  
Дил дориси — кечирим.*

*Ҳасад, ёмон сифатдан  
Дилни тозалапти ким,  
Ғолибдир ҳар жиҳатдан,  
Умрига умр тақдим.*

*Ҳақ ва ноҳақни бирдек  
Кечирганга қандай соз.  
Дилларга кириб нурдек,  
Топиши аниқ эъзоз.*

\*\*\*

*Мен баҳор гулидек барқ урган уй бу,  
Бол тутган сўрилар, анвойи гуллар.  
Бувимни ёдлатар сада райҳон-у,  
Сайҳонга етаклаб чиқувчи йўллар.*

*Нок оққан анҳорнинг сувлари саёз,  
Сал чўкиб қолибди қадрдон супа.  
Оймомам, сирдошим, гўзал, бепардоз,  
Аямай сепардинг бошимдан уна.*

*Ассалом, феруза осмоним менинг,  
Ассалом, орзуманд офтобим кўпдан.  
Ассалом, ассалом!..  
Яна не дейин,  
Турибман мисоли тушгандек кўкдан...*

\*\*\*

*Субҳидам еллари гуллар бўйини  
Димоққа ёқимли таратиб ўтди.  
Атрофга ёйганча қушлар куйини,  
Чаманда дилрабо янградиб ўтди.*

*Ховуз лабидаги маъюс мажнунтол  
Сочларин эркалаб тароқлаб ўтди.  
Барчада гўзаллик қилай деб бисёр,  
Кезиб гулшан аро сўроқлаб ўтди.*

*Муҳаббат васфини кўчириб тилга,  
Муҳаббат васлида ўйлатиб ўтди.  
Муҳаббат фаслини жо қилиб дилга,  
Муҳаббат наслини сўйлатиб ўтди.*

\*\*\*

*Ғами йўқ ризқ хусусида,  
Кек, адоват сақламаслар.  
Ҳийла бўлмас гап-сўзида,  
Аччиқ таом ҳоҳламаслар.*

*Аллоҳ қазо-қадаридан  
Нолимаслар оғрисалар.  
Кўрқиб бундан баттаридан,  
Чидолмаслар соғинсалар.*

*Иноқ бўлсин деб ишташар,  
Ҳамма амма, ҳолаларни.  
Мен севаман бахт излашар,  
Кўзи сўзлар болаларни!*

\*\*\*

Ёмонликни кўрганда  
Бола бўлгим келади.  
Бола йиғласа йиғлаб,  
Кулса кулгим келади.

Яхшилик кўрганда ҳам  
Шундай хаёл сураман.  
Сохталиқмас, уларда  
Соддалиқни кўраман.

Оқ-қорани болалар  
Осон ҳал қилишади.  
Шу сабаб ҳам ҳур бўлиб  
Яшашни билишади.



\*\*\*

*Синиқ кўнгил ёришар,  
Сабрнинг нусрати бор.  
Кўзи ёшли шашқатор  
Кундошнинг ҳасрати бор.*

*Тикан териб гул эккан,  
Ҳолати — кундошликнинг.  
Кимки заҳматин чеккан,  
Дер, дарди соз очликнинг.*

*Сохибқирон тахтининг  
Тинмас ҳамон ноласи.  
Ахир унинг нақдини,  
Еди кундош боласи...*

\*\*\*

*Ўкинч билан ўтинчни  
Дўст тутмас эси борлар.  
Ҳузур, ҳаловат, тинчи,  
Ўтмишида изи борлар.*

*Сув оқарми тесқари,  
Қуёш ботарми чаппа?  
Кимнинг иши илғари  
Чопибди юрса ҳафа?*

*Она қорнига бола,  
Сут кўкракка қайтганми?  
Яшанг ҳаққа ҳавола,  
Қилиб сабр айтганни.*



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq  
versiyasi

<https://kitobxon.com/oz/asar/2529>

saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг  
тўлиқ версияси  
<https://kitobxon.com/uz/asar/2529>  
сайтида.

Это был ознакомительный отрывок.  
Полную версию можно найти на сайте  
<https://kitobxon.com/ru/asar/2529>